

**ҚОРАКЎЛЧИЛИК ВА ЧЎЛ ЭКОЛОГИЯСИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ
PhD.05/30.12.2019.Qx.75.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ҚОРАКЎЛЧИЛИК ВА ЧЎЛ ЭКОЛОГИЯСИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ**

ХУСЕИНОВА МАЙСАРА АБДУВАФОЕВНА

**ОҚ РУС ҲАМДА МАҲАЛЛИЙ ЭЧКИ ЗОТЛАРИНИ
ЧАТИШТИРИШДАН ОЛИНГАН АВЛОДЛАРНИНГ БИОЛОГИК ВА
МАҲСУЛДОРЛИК ХУСУСИЯТЛАРИ**

**06.02.01 - Қишлоқ хўжалик ҳайвонларини урчитиш, кўпайтириш, селекцияси ва
генетикаси**

**Қишлоқ хўжалик фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по сельскохозяйственным наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on agricultural sciences**

Хусеинова Майсара Абдувафоевна

Оқ рус ҳамда маҳаллий эчки зотларини чатиштиришдан олинган
авлодларнинг биологик ва маҳсулдорлик хусусиятлари 3

Хусеинова Майсара Абдувафоевна

Продуктивные и биологические особенности потомства, полученного от
скрещивания русской белой и местной пород коз..... 21

Khuseinova Maysara Abduvafoevna

Productive and biological characteristics of the offspring obtained from crossing
the Russian white and local breeds of goat 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 42

**ҚОРАКЎЛЧИЛИК ВА ЧЎЛ ЭКОЛОГИЯСИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ
PhD.05/30.12.2019.Qx.75.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ҚОРАКЎЛЧИЛИК ВА ЧЎЛ ЭКОЛОГИЯСИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ**

ХУСЕИНОВА МАЙСАРА АБДУВАФОЕВНА

**ОҚ РУС ҲАМДА МАҲАЛЛИЙ ЭЧКИ ЗОТЛАРИНИ
ЧАТИШТИРИШДАН ОЛИНГАН АВЛОДЛАРНИНГ БИОЛОГИК ВА
МАҲСУЛДОРЛИК ХУСУСИЯТЛАРИ**

**06.02.01- Қишлоқ хўжалик ҳайвонларини урчитиш, кўпайтириш, селекцияси ва
генетикаси**

**Қишлоқ хўжалик фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.2.PhD/Qx315 рақами билан рўйхатга олинган.

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси Қоракўлчилик ва чўл экологияси илмий-тадқиқот институтида бажарилган.

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.uzkarakul.uz) ва «ZiyoNet» ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Арипов Уктам Хаджимуратович
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Рўзиев Нуратдин Раҳимович
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори

Эшматов Иззатилло Янгибоевич
қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди

Етакчи ташкилот:

Тошкент давлат аграр университети

Диссертация ҳимояси Қоракўлчилик ва чўл экологияси илмий-тадқиқот институти хузуридаги фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини берувчи PhD05/12.2019.Qx.75.01 рақамли илмий кенгашнинг 2021 йил «12» 07 соат 14⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 140154, Самарқанд, Мирзо Улуғбек кўчаси, 47 уй. Қоракўлчилик ва чўл экологияси илмий-тадқиқот институти мажлислар зали, 2-қават, тел: (99866) 233-32-79; факс: (99866) 233-34-81; e-mail: uzkarakul30@mail.ru).

Диссертация билан Қоракўлчилик ва чўл экологияси илмий-тадқиқот институтининг ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (192-рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 140154, Самарқанд, Мирзо Улуғбек кўчаси, 47-уй, институт маъмурий биноси, 1-қават. Тел: (99866) 233-32-79; факс: (99866) 233-34-81.

Диссертация автореферати 2021 йил «26» 06 куни тарқатилди.
(2021 йил «26» 06 даги 4 рақамли реестр баённомаси)



Н.А.Бобоқулов
Илмий даража берувчи илмий кенгаш раиси,
к.х.ф.д., профессор

З.С.Кличев
Илмий даража берувчи илмий кенгаш илмий
котиби, к.х.ф.д. (PhD)

С.Ю.Юсупов
Илмий даража берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси,
к.х.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори(PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда эчкичилик дунё чорвачилигининг динамик равишда ривожланиб бораётган ва истиқболли тармоғи ҳисобланади. БМТнинг озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (ФАО) маълумоти бўйича жаҳоннинг 200 дан зиёдрок мамлакатларида эчкилар урчитилиб, уларнинг бош сони 1.174.322 минг бошдан кўпроқни ташкил этади. Жаҳонда эчки сутини ишлаб чиқариш ҳажми 18,7 млн. тоннани ташкил қилади. Эчки сути ишлаб чиқариш умумий ҳажмининг 75 фоизи Осиё ва Африка мамлакатлари ҳисобига тўғри келади. Бу эса аҳолини шифобахш эчки сути билан таъминлаш даражасидан анча паст. Эчки сутини ишлаб чиқаришни кўпайтиришда озиқлантириш, сақлаш жараёнларини тўғри ташкил этиш ва дурагай эчкилардан самарали фойдаланиш усуллари ишлаб чиқиш долзарб бўлиб қолмоқда.

МДХ давлатларида ҳам эчкичилик чорвачиликнинг энг қадимий соҳаларидан бири ҳисобланади. Эчкиларнинг энг кўп бош сони Қозоғистонда (23268 минг бош), Ўзбекистонда (3681 минг бош), Туркменистонда (2300 минг бош), Россияда (2091 минг бош) урчитилади. Бу мамлакатларда эчкиларнинг заанен, оқ рус, горький каби серсут зотлари, нубий, тоггенбург каби серёғ сутдор зотлар, ангор, совет жундор зоти, оқ доғистон каби жун йўналишидаги, придон, тоғли-алтай, кашемир, оренбург каби тивит йўналишидаги зотлар, қора бенгал, шанси, дамара, замбия, бурск, пафури каби гўшт йўналишидаги зотларини урчитишга эътибор қаратилмоқда. Зотдор ҳамда маҳаллий эчкилардан олинган дурагайларидан фойдаланиб, уларнинг ҳаётчанлиги, сут ва гўшт маҳсулдорлигини оширишга қаратилган тадқиқотлар муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда.

Республикамызда аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабини тўла қондириш кенг ассортиментдаги экологик тоза маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтиришга қаратилган чора-тадбирлар кенг миқёсда амалга оширилмоқда. Шу сабабли эчки сути болалар озуқаси сифатида ва гўшти парҳезбоп маҳсулот сифатида муҳим аҳамиятга эга. Ўзбекистон Республикасини 2017-2021 йилларда янада ривожлантиришга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясида¹ «...қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва жадал ривожлантиришга, айниқса юқори маҳсулдорликка эга ҳайвон зотларини яратиш ва ишлаб чиқаришга жорий этиш орқали тармоқнинг экспорт салоҳиятини оширишга алоҳида эътибор қаратилган». Ўзбекистонда эчкиларнинг асосан маҳаллий зотга мансуб сурувлари урчитилади. Маҳаллий зот халқ селекцияси йўли билан кўп асрлар давомида яратилган ва улар мамлакатимизнинг кескин континентал иқлим шароити ҳамда кам ҳосилли яйлов шароитига яхши мослашган, лекин маҳсулдорлик кўрсаткичлари паст бўлиб, кейинги йилларда республикамызга заанен, оқ рус, тоггенбург, оренбург ва бошқа зотга мансуб юқори маҳсулдор эчкилар олиб келинмоқда. Уларнинг юқори генетик салоҳиятидан фойдаланиб, маҳаллий эчкиларнинг

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ги ПФ-4947-сонли Фармони

маҳсулдорлик кўрсаткичларни яхшилаш борасидаги илмий-тадқиқотлар кўламини кенгайтириш мақсадга мувофиқдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 29 декабрдаги ПҚ-2460-сон «2016-2020 йилларда қишлоқ хўжалигини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги, 2019 йил 18 мартдаги ПҚ-4243-сон «Чорвачилик тармоғини янада ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида» ги, 2019 йил 28 мартдаги ПҚ-4254-сон «Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» ги, 2020 йил 29 январдаги ПҚ-4576-сон «Чорвачилик тармоғини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг кўшимча чора-тадбирлари тўғрисида» ги қарорлари ва мазкур фаолиятга тегишли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларида белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналишига мос равишда бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Эчкиларни урчитиш ва маҳсулдорлигини оширишнинг селекцион-технологик жиҳатлари Ўзбекистонда П.Ф. Кияткин, Г.В. Шацкий, А.А. Рахимов, Ф. Мамадалиев, Х. Юсупов, З.Т. Ражамурадов, М.Ш. Исмаилов, И.Я. Эшматов, А.У. Торешева, Қозоғистонда Е.В. Эйдригевич, А.И. Жандеркин, М.Т. Нуралиев, Е. Мусажанов, Б.Т. Кулатаев, Тожикистонда И.Г. Лебедев, Г.Г. Зеленский, И.Е. Быховская, М.Д. Закиров, Д.Э. Эргашев, Ф.Ф. Косимов, С.Обиджанов, А.Б. Каракулов, Қирғизистонда М. Н. Джумабеков, И.А. Альмеев, Туркманистонда Э.М. Эрман, А.А. Шустова, Россияда С.П. Урусов, А.С. Шувариқов, А.И. Чикалев, А.И. Ерохин, Ю.А. Юлдашбаев, В.К. Тошев, С.И. Новопашина, Л. П. Москаленко, ва хорижлик олимлар I. L. Mason, H. Singh, D. Rose, J. F. Morgan, H. Hoste ва бошқалар томонидан ишлаб чиқилган. Мазкур олимлар эчкиларни танлаш, жуфтлаш, сут, гўшт, жун маҳсулдорлигини ошириш ўсиши, ривожланиши ва конституционал мустаҳкамлиги, белгиларнинг ирсийланиши ва ўзгарувчанлиги, наслчилик ишини ташкиллаштириш, сурувни кўпайтириш, озиқлантириш, асраш ва саноат асосида урчитиш муаммоларини тадқиқ қилишган.

Мамлакатимизнинг табиий иқлим шароитида эчкиларнинг биологик салоҳиятидан ҳамда ташкилий ва технологик омиллардан фойдаланиб, эчкиларнинг сут маҳсулдорлигини ошириш тармоқни жадал ривожлантириш ҳамда аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабини қондиришда муҳим аҳамият касб этади.

Бугунги кунда Республикамизда сутдор эчкичилик тармоғини ривожлантиришда ва маҳсулдорлигини оширишда уларнинг биологик хусусиятларидан фойдаланиш ва уларни урчитишнинг илмий асосларини ишлаб чиқиш долзарб бўлиб ҳисобланади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Мазкур диссертация тадқиқотлари Қорақўлчилик ва чўл экологияси илмий-тадқиқот институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг №063474-«Оқ рус ҳамда маҳаллий эчки зотларини чатиштиришдан олинган авлодларнинг биологик ва маҳсулдорлик хусусиятлари» доирасида бажарилган (2018-2020 йй.).

Тадқиқотнинг мақсади оқ рус ҳамда маҳаллий эчки зотларини чатиштиришдан олинган авлодларнинг биологик ва маҳсулдорлик хусусиятларига ҳар хил омилларнинг таъсирини аниқлаш туфайли эчкилар маҳсулдорлигини оширишга эришиш ҳисобланади.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

бир-биридан генетик келиб чиқиши билан фарқ қилган эчкиларнинг сурувини қайта тўлдириш кўрсаткичларини баҳолаш;

ҳар хил озиклантириш ва асраш шароитида турли генотипдаги улоқларнинг ўсиш ва ривожланиш кўрсаткичлари, бўрдоқиланиш хусусиятларини аниқлаш;

турли генотипдаги эчкиларнинг сут маҳсулдорлиги ва сутнинг кимёвий таркибини аниқлаш;

турли генотипдаги улоқларнинг сўйим кўрсаткичлари ва гўштнинг морфологик таркибини аниқлаш;

йил фасллари кесимида эчкиларнинг клиник, гематологик кўрсаткичликлари ва истеъмол қилган озуқасини маҳсулот билан қоплаш хусусиятларини аниқлаш;

турли генотипдаги эчкиларнинг қонидаги соматотропин генининг аллел полиморфизми ва унинг сут маҳсулдорлиги билан боғлиқлигини аниқлаш;

ҳудуднинг табиий иқлим шароитида турли генотипдаги эчкиларни урчитишнинг иқтисодий самарадорлигини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида маҳаллий зотга мансуб эчкилар, уларни оқ рус зотли такалар билан чатиштиришдан олинган F_1 (оқ рус зоти $\frac{1}{2}$ ва маҳаллий зот бўйича $\frac{1}{2}$ қон улушидаги) ва F_2 (оқ рус зоти бўйича $\frac{3}{4}$ ва маҳаллий зот бўйича $\frac{1}{4}$ қон улушидаги) дурагай авлодлар танлаб олинди.

Тадқиқотнинг предмети турли генетик гуруҳларга мансуб эчкилар маҳсулдорлигининг намоён бўлиш хусусиятлари, ҳар хил ёш ва жинс гуруҳларидаги улоқларнинг ўсиши, ривожланиши, маҳсулдорлик, клиник ва гематологик кўрсаткичлари, озиклантириш ва сақлаш технологиялари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот ишларини бажаришда БИЧнинг “Эчкиларнинг серпуштлиги, сақланувчанлиги, сўйим кўрсаткичлари”, “Озиклантириш, сақлаш, истеъмол қилинган озуқани маҳсулот билан қоплаш хусусиятларини аниқлаш”, Н.М.Костомахиннинг “Ўсиш, ривожланиш, экстерьер, тана тузилиш индекслари”, Г.Культернинг “Қоннинг клиник ва гематологик кўрсаткичларини аниқлаш”, Г.Е.Сулимованинг “Ҳайвонларнинг геномик кўрсаткичларини аниқлаш”, Е.К.Меркурьеванинг “Ўртача

арифметик ва унинг хатоси, гуруҳлараро фарқнинг ишончлилиқ даражасини аниқлаш” каби усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқот ишининг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор Ўзбекистон шароитида маҳаллий эчкиларни оқ рус зотли такалар билан чатиштиришдан олинган I ва II авлод дурагайларидан фойдаланиш ҳисобига маҳаллий эчкиларга нисбатан эчки сутини 34,1-66,6% га ва гўштини 11,0-14,7% га кўп ишлаб чиқариш мумкинлиги исботланган;

илк бор маҳаллий эчкиларга нисбатан F_1 дурагайларда серпуштлик хусусиятлари 20,0% ва F_2 дурагайларида 35,0%га юқори бўлиши аниқланган;

эчкиларнинг туғилгандаги тирик вазн кўрсаткичи оқ рус зотининг генотипидан фойдаланиш ҳисобига маҳаллий зотга қараганда I авлод дурагай (F_1) улоқларда 15,7% га, II авлод дурагайларда (F_2) 19,1% га устун бўлиши исботланган;

илк бор соматотропин гени бўйича гомозигот бўлган AA ва BB генотипидаги эчкиларнинг сут соғими миқдори ушбу ген бўйича гетерозигот бўлган AB генотипидаги эчкиларга нисбатан 9,79 кг (52,8%) ва 8,17 кг (44,1%) юқорироқ бўлиши аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

бир-биридан генетик келиб чиқиши билан фарқ қилган эчкиларнинг сурувни тўлдириш кўрсаткичлари баҳоланган;

маълум озиклантириш ва асраш шароитида турли генотипдаги улоқларнинг ўсиш ва ривожланиш кўрсаткичлари, бўрдоқиланиш хусусиятлари ўрганилган ҳамда турли генотипдаги эчкиларнинг сут маҳсулдорлиги ва сутининг кимёвий таркиби таҳлил қилинган;

турли генотипдаги улоқларнинг сўйим кўрсаткичлари ва гўштининг морфологик таркибини аниқланган, йил фасллари кесимида эчкиларнинг клиник, гематологик кўрсаткичликлари ва истеъмол қилган озуқани маҳсулот билан қоплаш хусусиятлари аниқланган;

турли генотипдаги эчкилар қонидаги соматотропин генининг аллел полиморфизми ва унинг сут маҳсулдорлиги билан боғлиқлиги таҳлил қилинган ҳамда уларни урчитишнинг иқтисодий самарадорлиги аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тадқиқот натижалари ҳамда бирламчи ҳужжатларга Қорақўлчилик ва чўл экологияси илмий тадқиқот институти, Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат таъминоти илмий-ишлаб чиқариш маркази ва Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитасининг апробация комиссиялари томонидан ижобий баҳо берилганлиги, барча экспериментал маълумотларнинг статистик таҳлилдан ўтказилганлиги, олинган илмий натижаларнинг ишлаб чиқаришга жорий этилганлиги, тадқиқот натижаларининг республикаимиз ва чет элларда ўтказилган халқаро илмий-амалий конференцияларда муҳокама этилганлиги ва маъқулланганлиги, шунингдек илмий нашрларда илмий мақолалар чоп этилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти маҳаллий эчкиларни оқ рус зотли такалар билан чатиштириш натижасида олинган турли генотипдаги дурагай

эчкиларнинг сут маҳсулдорлиги ва улоқларнинг гўшт маҳсулдорлигини кўтариш, маҳсулот сифатини яхшилашнинг илмий асослари ишлаб чиқилганлигида ўз аксини топади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти эса турли генотипга мансуб эчкиларнинг сут маҳсулдорлигини ошириш, улоқларнинг ўсиш ва ривожланишини жадаллаштириш, уларнинг юқори тирик вазнга эга бўлишига эришиш, сўйим кўрсаткичларини яхшилаш, маҳсулот бирлигига озуқа сарфини камайтириш, юқори сифатли сут ва гўшт ишлаб чиқаришни кўпайтиришда чатиштириш усулининг ва илмий асосланган селекция усулларининг самарадорлиги аниқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Оқ рус ҳамда маҳаллий эчки зотларини чатиштиришдан олинган авлодларнинг биологик ва маҳсулдорлик хусусиятлари бўйича олиб борилган тадқиқот натижалари асосида:

маҳаллий эчкиларнинг маҳсулдорлик кўрсаткичларини оқ рус зотли такалар билан чатиштириш йўли билан яхшилаш усули Сирдарё вилояти Сирдарё туманидаги “Наслли кумуш курка” фермер хўжалигида жорий этилган (Пиллачилик ва қоракўлчиликни ривожлантириш кўмитасининг 2020 йил 31 мартдаги №3-1/315-сон маълумотномаси). Натижада умумий самарадорлик даражаси I авлод дурагайларида 5,9% га, II авлод дурагайларида эса 8,7 % га ошган;

маҳаллий эчкиларнинг маҳсулдорлик кўрсаткичларини оқ рус зотли такалар билан чатиштириш йўли билан яхшилаш усули Самарқанд вилояти Нуробод туманидаги “Тошполвон ботирлари” фермер хўжалигида жорий этилган (Пиллачилик ва қоракўлчиликни ривожлантириш кўмитасининг 2020 йил 31 мартдаги №3-1/315-сон маълумотномаси). Натижада умумий самарадорлик даражаси I авлод дурагайларида 5,2% га, II авлод дурагайларида эса 7,8% га ошган;

маҳаллий эчкиларнинг маҳсулдорлик кўрсаткичларини оқ рус зотли такалар билан чатиштириш йўли билан яхшилаш усули Самарқанд вилояти Нуробод туманидаги “Тутли қоракўл замини” МЧЖда жорий этилган (Пиллачилик ва қоракўлчиликни ривожлантириш кўмитасининг 2020 йил 31 мартдаги №3-1/315-сон маълумотномаси). Натижада умумий самарадорлик даражаси I авлод дурагайларида 5,0% га, II авлод дурагайларида эса 7,6% га ошган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертация иши натижалари Қоракўлчилик ва чўл экологияси илмий-тадқиқот институти Илмий кенгаши йиғилишларида (2018-2020), «Наслли кумуш курка» фермер хўжалигининг ишлаб чиқариш йиғилишларида, 1 та халқаро ва 3 та республика миқёсида ўтказилган илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилиб, ижобий баҳоланган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 9 та илмий иш чоп этилган, шундан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертацияларининг асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия

этилган илмий нашрларда 4 та, шундан 1 та хорижий журналда ҳамда 1 та тавсиянома, халқаро ва республика илмий-амалий конференция материаллари тўпламларида 4 та мақола чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулосалар, ишлаб чиқаришгатавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан ташкил топган. Диссертациянинг ҳажми 113бетдан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида бажарилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ҳамда предметлари тавсифланган, унинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялар тараққиётининг устувор йўналишларига мувофиқлиги баён этилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари, натижаларни амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ҳамда диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг “**Адабиётлар шарҳи**” деб номланган биринчи бобида мамлакатимиз ва хориж тадқиқотчиларининг илмий ишлари таҳлил қилиниб, маҳаллий ва оқ рус зотли эчкиларнинг биологик хусусиятлари, маҳсулдорлик кўрсаткичлари, ирсий имкониятлари, маҳаллий зотларнинг маҳсулдорлик кўрсаткичларини яхшилашда оқ рус зотли эчкилардан фойдаланишнинг илмий ва амалий асослари, эчкилар генотипининг маҳсулдорлик билан боғлиқлиги, маҳсулдорликка ирсий ва паратипик омилларнинг таъсирига доир илмий адабиётлар таҳлил қилинган. Муаллифларнинг маълумотлари умумлаштириб, тегишли хулосалар чиқарилган.

Диссертациянинг “**Тадқиқотнинг манбаи ва услуби**” деб номланган иккинчи бобида тадқиқотнинг объекти, схемаси ва услублари баён қилинган.

Илмий тадқиқотлар 2017-2020 йилларда Қоракўлчилик ва чўл экологияси илмий-тадқиқот институтининг “Генетика ва генофонд” бўлимида ва унинг тажриба қисми Сирдарё вилояти, Сирдарё туманидаги кўп тармоқли “Наслли кумуш курка” фермер хўжалигида бажарилган. Тадқиқотлар давомида эчкиларнинг серпуштлиги, сақланувчанлиги, сўйим кўрсаткичлари, сут маҳсулдорлиги, озиклантириш, сақлаш, истеъмол қилинган озуқани маҳсулот билан қоплаш хусусиятлари, ўсиш, ривожланиш, экстерьер, тана тузилиш индекслари, клиник ва гематологик кўрсаткичлари, геномик кўрсаткичларини ўрганиш, тадқиқот натижаларини иқтисодий баҳолаш, тажрибада олинган маълумотларга биометрик ишлов беришда қўлланиладиган усул ва услублар баён қилинган.

Диссертациянинг “**Турли генотипдаги эчкиларнинг биологик хусусиятлари**” деб номланган учинчи бобида турли генотипдаги она эчкиларни пуштдорлиги ва улоқларнинг сақланувчанлиги, тажрибадаги ҳайвонларни ўсиш ва ривожланиш кўрсаткичлари, турли генотипдаги улоқларнинг гематологик кўрсаткичлари ва соматотропин генининг аллел полиморфизми бўйича маълумотлар илмий жиҳатдан таҳлил қилинган.

Маълумки, оқ рус зотли эчкиларнинг сурувини қайта тўлдириш кўрсаткичлари юқори бўлиб, бу кўрсаткич маҳаллий зотга мансуб эчкиларни оқ рус зотли такалар билан чатиштиришдан олинган турли генотипдаги дурагай эчкиларда ҳам бу кўрсаткичнинг маҳаллий зотга мансуб эчкиларга нисбатан юқори бўлиши аниқланди (1-жадвал).

1-жадвал

Турли генотидаги эчкиларнинг сурувини қайта тўлдириш кўрсаткичлари ва улоқларининг сақланувчанлиги (n=20)

Кўрсаткичлар	Назорат гуруҳи	Тажриба гуруҳлари	
	Маҳаллий	F ₁	F ₂
Уруғлантирилган эчкилар сони, бош	20	20	20
Туққан эчкилар сони, бош	20	20	20
Ўлик туғилган улоқлар сони, бош	-	-	1
Бола ташлаган, бош	-	-	1
Жами олинган улоқлар	23	27	30
Серпуштлик, %	115,0	135,0	150,0
4 ойликкача ўлган улоқлар, бош	-	-	-
Тирик қолган улоқлар	23	27	28
Ҳар 100 бош ҳисобига қолган улоқлар, %	115	135	140
Улоқларнинг сақланувчанлиги, %	100	100	100

Эчкиларнинг серпуштлиги маҳаллий зотга мансуб эчкиларда ҳар 100 бош ҳисобига 115,0 бошни ташкил қилди. Маҳаллий эчкиларни оқ рус такалари билан чатиштиришдан олинган биринчи бўғин дурагай эчкиларда бу кўрсаткич маҳаллий эчкиларга нисбатан ҳар 100 бош ҳисобига 20 бошга ёки 17,4% га, иккинчи бўғин F₂ дурагай эчкиларда эса мос равишда 35 бош ёки 30,4% га юқори бўлгани аниқланди.

Тажриба давомида олинган улоқларнинг чиқим бўлишига йўл қўйилмади, бу олиб борилган зооветеринария тадбирларининг самарасидир. Тўрт ойликкача бўлган улоқларнинг сақланувчанлиги барча гуруҳларда 100% бўлиб, ҳар 100 бош ҳисобига шу ёшгача қолган улоқлар сони маҳаллий эчкиларни оқ рус такалари билан чатиштиришдан олинган иккинчи авлод дурагай эчкилар (F₁)га нисбатан 5 бош ёки 3,7% га юқори демакдир.

Турли зотга мансуб эчкилар ўзининг биологик хусусиятлари ва маҳсулдорлик кўрсаткичлари билан бир-биридан фарқ қилади, бу узоқ давом этган селекция ишларининг натижасидир. Гўшт маҳсулдорлиги билан бевосита боғлиқ бўлган селекцион белгининг асосий кўрсаткичи бу уларнинг тирик вазни ҳисобланади (2-жадвал).

Тажрибадаги эчкиларнинг тирик вазни маҳаллий эчкиларни оқ рус такалари билан уруғлантиришдан олинган дурагай улоқларда барча ўсиш даврларида юқори бўлган. Эркак улоқларнинг туғилгандаги тирик вазни I авлод дурагай (F₁) улоқларда маҳаллий зотга мансуб улоқларга нисбатан 0,37 кг ёки 15,7% га, II авлод дурагайларда (F₂) эса 0,45 кг ёки 19,1% га, урғочи улоқларнинг туғилгандаги тирик вазни эса мос равишда 0,31 кг ёки 14,09% га ва 0,46 кг ёки 20,9% юқори бўлган (P<0,01).

Турли хил генотибли эчкиларнинг тирик вазн динамикаси, кг ($\bar{X} \pm m_{\bar{x}}$)

Ёши	Маҳаллий		F ₁ дурагай		F ₂ дурагай	
	Эркак улоқлар	Урғочи улоқлар	Эркак улоқлар	Урғочи улоқлар	Эркак улоқлар	Урғочи улоқлар
Туғ.	2,35±0,04	2,20±0,05	2,72±0,04*	2,51±0,03*	2,80±0,04**	2,66±0,05**
20 кун	4,52±0,05	4,22±0,03	5,65±0,06	5,32±0,07	5,91±0,07	5,74±0,03
1 ой	5,80± 0,11	5,42±0,04	6,21±0,07	5,96±0,06	7,87±0,08	7,40±0,05
2	11,0±0,33	10,63±0,03	12,54±0,08	11,92±0,04	12,85±0,06	12,37±0,08
3	15,0±0,07	14,53±0,06	15,98±0,08	14,56±0,04	17,54±0,07	17,04±0,06
4	17,80±0,08	16,36±0,09	20,06±0,10**	19,10±0,32**	20,80±0,09**	20,38±0,08**
6	21,20±0,36	19,00±0,34	26,30±0,25	24,11±0,13	26,50±0,23	25,30±0,18
9	25,20±0,49	23,60±0,13	30,10±0,32	27,04±0,14	32,8±0,26	30,3±0,06
12	29,90±0,27	27,70±0,25	35,55±0,16	32,51±33,51	37,3±0,29	34,95±0,20
18	34,05±0,37	32,30±0,27	44,40±0,26**	41,12±0,26**	45,0±0,56**	42,07±0,43**

* P<0,05, ** P <0,01

Эркак улоқларнинг 4 ойликдаги тирик вазни маҳаллий зотга мансуб улоқларга нисбатан I бўғин дурагайларда 2,80 кг ёки 12,6% га, II бўғин дурагайларда эса 3,00 кг ёки 16,8% га юқори (P<0,01), урғочи улоқларда эса мос равишда 2,71 кг ёки 16,74% га ва 4,02 кг ёки 24,5% га юқори бўлган (P<0,01). Эркак улоқларнинг 18 ойликдаги тирик вазни маҳаллий эчкиларни оқ рус эчки зотига мансуб такалар билан чатиштиришдан олинган I авлод дурагайларда (F₁) маҳаллий зотга мансуб тенгқурларидан 10,35 кг ёки 30,4% га, II авлод дурагайларида эса (F₂) эса 10,95 кг ёки 32,1% га юқори (P<0,01); урғочи улоқларда эса мос равишда 7,07 кг ёки 27,3% га ва 9,77 кг ёки 30,2% га юқори бўлди (P< 0,01).

Олинган маълумотларни умумлаштириб, хулоса қилиш мумкинки, маҳаллий зот эчкиларни оқ рус такалари билан чатиштириб олинган дурагай эчкиларда маҳаллий эчкиларга нисбатан ўсиш ва ривожланишнинг барча босқичларида тирик вазн кўрсаткичлари юқори бўлган, шунингдек бундай чатиштириш натижасида олинган улоқларнинг туғилганидаги тирик вазни ҳам нисбатан каттароқ бўлган.

Организмда кечадиган турли ҳаётий жараёнлар қоннинг морфологик ва биокимёвий кўрсаткичларида акс этади. Ўсувчи организмда рўй берадиган ўзгаришларда унинг муҳим ролини инobatга олиб, тажрибадаги турли генотипга мансуб улоқлар қонининг морфологик ва биокимёвий кўрсаткичлари ўрганилди. Бу маълумотлар 3-жадвалда келтирилган.

Қоннинг морфологик кўрсаткичларини таҳлил қилиш натижалари кўрсатадики, унинг таркибидаги лейкоцитлар миқдори барча генотипдаги улоқларда физиологик меъёрнинг юқори даражасида бўлган, бу ҳайвонларнинг яйлов шароитида юқори сақланувчанлигини таъминлаган. Турли генотиплар бўйича бу кўрсаткич жиҳатидан ишончли даражасидаги фарқлар мавжуд эмас. Қондаги эритроцитлар миқдори ҳам барча гуруҳдаги улоқларда физиологик меъёр даражасида бўлиб, улоқларнинг 1 мл қон таркибидаги сони 16,2-17,9 млн. донани ташкил қилади. Қондаги гемоглобин

миқдори бўйича турли генотипдаги улоқлар ўртасида фарқлар борлиги аниқланди. Унинг миқдори F_1 дурагай улоқларда 4,51г/л ёки 4,0 % га маҳаллий зотга мансуб тенгдошларига нисбатан юқори ($P<0,05$) бўлиб, бу кўрсаткичлар ҳам физиологик меъёр чегарасида бўлди. Қоннинг таркибидаги тромбоцитларнинг 1 миллилитр ҳажмдаги миқдори 3,09 – 3,36 минг донани ташкил қилиб, барча генотипдаги улоқларда физиологик меъёр даражасида бўлиши кузатилди.

3-жадвал

Турли генотипдаги улоқлар қонининг клиник ва биокимёвий кўрсаткичлари, ($\bar{X} \pm m_x$) (n=3)

Кўрсаткичлар	Г у р у х л а р			Меъёр
	Маҳаллий	F_1 дурагай	F_2 дурагай	
Лейкоцитлар, 10^9 /л	11,50 ±3,19	12,26±1,86	12,92±1,97	4-13
Эритроцитлар, 10^{12} /л	16,20±3,28	17,03±3,19	17,90±3,14	12-18
Гемоглобин, г/л	110,61±6,32	114,28±6,90	115,12±4,87	80-120
Тромбоцитлар, 10^9 /л	3,36±0,27	3,09±0,28	3,21±0,31	3-6
Умумий оқсил, г/л	63,32±4,87	68,0±5,20	69,46±4,69	61-75
Шакар, ммоль/л	3,26±0,60	3,51±0,41	3,58±0,48	2,7-4,2
Холестерин, ммоль/л	1,47±0,38	1,51±0,32	1,49±0,34	1,7-3,5
Мочевина, ммоль/л	5,91±0,86	4,67±0,71	4,58±0,63	4,5 – 9,2

Қоннинг биокимёвий таркиби ҳайвон орган ва тўқималарининг қандай ишлаётганлигидан далолат беради. Таҳлил натижаларининг кўрсатишича, турли генотипдаги улоқлар қонининг биокимёвий кўрсаткичлари ўртасида ишончли даражадаги фарқлар мавжуд эмас. Қоннинг деярли барча биокимёвий кўрсаткичлари барча гуруҳдаги улоқларда физиологик меъёрлар даражасида, холестерин ва мочевино миқдори эса меъёрларнинг энг паст даражасида бўлди. Холестерин миқдори маҳаллий зотга мансуб улоқларда меъёрнинг энг паст чегарасидан 0,23ммоль/л га, F_1 дурагайларда 0,19 ммоль/л га, F_2 дурагайларда 0,21 ммоль/л га камроқ бўлгани қайд этилди.

Шундай қилиб, тажрибадаги турли генотипдаги улоқлар қонининг гематологик ва биокимёвий кўрсаткичлари бўйича гуруҳлараро ишончли даражадаги кузатилмагани ҳолда бу кўрсаткичлар физиологик меъёрлар даражасида бўлгани аниқланди. Айрим кўрсаткичларнинг физиологик меъёр даражасининг юқори чегараларида бўлиши улардаги физиологик ва биокимёвий жараёнларнинг жадал равишда кечганлигидан далолат беради. Қондаги мочевино миқдорининг энг пастки меъёрлар чегарасида бўлиши ҳайвонлар томонидан озуқа таркибидаги азотнинг самарали ўзлаштирилганлигидан далолат беради.

Тажрибадаги турли генотипга мансуб эчкиларнинг маҳсулдорлигига аллел генларнинг таъсири таҳлил қилинди(4 ва 5-жадваллар).

Жадвал маълумотларининг кўрсатишича соматотропин гени бўйича гомозигот бўлган АА ва ВВ генотипидаги эчкиларнинг соғим миқдори ушбу ген бўйича гетерозигот бўлиб, АВ генотипдаги эчкиларга нисбатан мос равишда 9,79 кг ёки 52,8% га ва 8,17 кг ёки 44,1 % га, гетерозигот эчкиларда сут таркибидаги ёғ ва оқсил миқдори юқорироқ бўлган.

4-жадвал

Эчкиларнинг соматотропин гени бўйича аллел таркиби

№	Келиб чиқиши	Генотиплар
1	Маҳаллийзот	AB
2	Маҳаллийзот	AB
3	Маҳаллийзот	AB
4	F ₁ дурагай (маҳаллий х оқ рус)	AB
5	F ₁ дурагай(маҳаллий х оқ рус)	AB
6	F ₁ дурагай (маҳаллий х оқ рус)	AB
7	F ₂ дурагай (маҳаллий х оқ рус)	AB
8	F ₂ дурагай (маҳаллий х оқ рус)	AA
9	F ₂ дурагай (маҳаллий х оқ рус)	BB
10	Оқ рус зотли насли така	AB

5-жадвал

Соматотропин гени бўйича турли хил генотипли эчкиларнинг сут маҳсулдорлиги, ($\bar{X} \pm m_{\bar{x}}$) n=3

Генотиплар	Ўртача ойлик сут соғими, кг	Сутёғи, %	Сут оксил,%
AA	28,32±0,78	4,0±0,02	3,16±0,04
AB	18,53±0,66	4,28±0,03	3,72±0,08
BB	26,70±0,70	4,06±0,05	3,18±0,09

Соматотропин гени бўйича гетерозигот бўлган AB генотипдаги эчкиларда AA генотипдаги эчкиларга нисбатан сутнинг ёғлилиги 0,27% га, оксил 0,56% га, BB генотипдаги гомозигот эчкиларга нисбатан эса мос равишда 0,22% ва 0,53% га юқориқ бўлган.

Ушбу маълумотлардан келиб чиққан ҳолда маҳаллий эчкиларни оқ рус зотли такалар билан чатиштиришдан олинган авлодларда соматотропин генининг гомозигот ҳолатда бўлиш эҳтимоли ортиши ва авлодларда оқ рус эчки зотининг белгилари авлоддан-авлодга мустаҳкамланиб боришини эътиборга олган ҳолда ушбу типдаги чатиштиришни давом эттириш она эчкилар сутдорлигини оширишга имкон беради деган хулоса чиқариш мумкин.

Диссертациянинг “Турли генотипдаги эчкиларнинг маҳсулдорлик кўрсаткичлари” деб номланган тўртинчи бобида тажрибадаги ҳайвонларни озиклантириш ва асраш шароити, турли генотипдаги эчкиларнинг сут маҳсулдорлиги, сутининг кимёвий таркиби, улоқларни бўрдоқлаш даврида тирик вазнининг ўсиш кўрсаткичлари, гўшт маҳсулдорлиги, улоқлар гўштининг морфологик таркиби, ички органларининг ривожланиши, озукани маҳсулот билан қоплаш кўрсаткичлари ва иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари баён қилинган.

Эчкиларнинг сут маҳсулдорлиги кўрсаткичлари уларнинг генотиплари билан боғлиқ равишда таҳлил қилинди (6-жадвал).

6-жадвал

Тажрибадаги турли генотипга мансуб эчкиларнинг сут маҳсулдорлиги кўрсаткичлари, ($\bar{X} \pm m_{\bar{x}}$) n=10

Кўрсаткичлар	Маҳаллий эчкилар (назорат)	F ₁ дурагай (тажриба)	F ₂ дурагай (тажриба)
Лактациядаги сут соғими, кг	105,66±12,4	141,66±14,71	176,22±11,70
Ўртача кунлик соғим, кг	0,587±0,05	0,787±0,04	0,979±0,03
Сутнинг ёғлилиги, %	4,35±0,09	4,13±0,08	4,01±0,06
Сут оксиди, %	3,44±0,15	3,32±0,03	3,16±0,08
Лактоза, %	4,56±0,16	4,49±0,23	4,47±0,24
Минерал моддалар, %	0,85±0,02	0,86±0,03	0,83±0,03
Қуруқ моддалар, %	13,20±0,12	12,80±0,09	12,47±0,11
Сут ёғининг чиқими, кг	4,60	5,85	7,06
Сут оксиди чиқими, кг	3,63	4,70	5,57
Ёғсиз қуруқ сут қолдиғи, %	8,85	8,67	8,46
Зичлиги, °А	29,0	28,4	27,8

Лактациядаги соғим миқдори маҳаллий зотга мансуб эчкиларни оқ рус зотли такалар билан чатиштиришдан олинган дурагай эчкиларда маҳаллий зот эчкиларга нисбатан юқорироқ бўлган. Соғим миқдори F₁ дурагай эчкиларда маҳаллий зот эчкиларга нисбатан 36,07 кг ёки 34,1 % га, F₂ дурагай эчкиларда эса 70,47 кг ёки 66,6% га юқори бўлиши кузатилди.

Тажрибадаги эчкилар сутининг кимёвий таркиби таҳлил қилинганда сутнинг таркибидаги тўйимли моддалар миқдори маҳаллий зотга мансуб эчкиларда бироз юқорироқ эканлиги аниқланди. Қуруқ модда миқдори маҳаллий зот эчкиларда F₁ дурагай эчкилар сутига нисбатан 0,35% га, F₂ дурагай эчкилар сутига нисбатан эса 0,68% га юқорироқ, сутнинг ёғлилиги мос равишда 0,22% ва 0,34% га, сутнинг таркибидаги оксид миқдори 0,12 ва 0,28% га, лактоза 0,07 ва 0,09% га ёғсиз сут қолдиғи 0,09 ва 0,33% га юқори бўлди. Хулоса қилиш мумкинки, маҳаллий зот эчкиларни оқ рус зотли такалар билан чатиштириш олинган дурагай эчкилар сут маҳсулдорлигининг ошишига лактацияда ва ўртача кунлик соғим миқдори, лактациядаги сут ёғи ва оксиди чиқимининг ошишига олиб келади.

Тажрибадаги эркак улоқларнинг бўрдоқлаш даврида тирик вазнининг ўсиш кўрсаткичлари, назорат сўйим натижалари 7-жадвалда баён қилинган.

7-жадвал

Улоқларнинг бўрдоқлаш даврида тирик вазнининг ўсиш кўрсаткичлари, ($\bar{X} \pm m_{\bar{x}}$) n=10

Кўрсаткичлар	Гуруҳлар		
	Маҳаллий	F ₁ дурагай	F ₂ дурагай
Тирик вазни, кг: Тажрибабошида (4,5 ойлик)	18,8±0,78	19,7±0,82	20,1±0,68
Бўрдоқлаш охирида (6,5 ойлик)	24,1±0,52	26,2±0,48	26,8±0,43
Мутлақ ўсиш, кг	5,3±0,22	6,5±0,18	6,7±0,17
Ўртача суткалик ўсиш, кг	88,3±4,2	108,3±3,7	111,6±3,9
Нисбий ўсиш, %	28,19±0,32	32,99±0,28	33,33±0,26

Бўрдокиланган дурагай улоқларнинг тирик вазни маҳаллий зотга мансуб тенгдошларидан юқори бўлган. Маҳаллий зот эчкиларни оқ рус такалари билан чатиштиришдан олинган F₁ дурагай улоқларнинг 6,5 ойликдаги тирик вазни маҳаллий зотга мансуб тенгдошларига нисбатан 2,1 кг ёки 8,7% га, F₂ дурагай улоқларда эса мос равишда 2,7 кг ва 11,2% га юқори бўлди.

Сўйишдан кейин олинган гавда (нимта)нинг массаси (8-жадвал) F₂дурагай эркак улоқларда маҳаллий зотга мансуб тенгдошларига нисбатан 2,4 кг ёки 31,0% га; F₂ дурагайларда эса тегишлича 2,37 кг ёки 30,6% га юқорирок бўлди. Гуруҳлараро фарқларнинг ишончлилиқ даражаси юқори (P< 0,01).

8-жадвал

Турли генетик гуруҳларга мансуб эркак улоқларнинг 4,5 ва 6,5 ойликдаги сўйим кўрсаткичлари, ($\bar{X} \pm m_{\bar{x}}$) n=3

Кўрсаткичлар	Назоратгуруҳи	Тажриба гуруҳлари	
	Маҳаллий	F ₁ дурагайлар	F ₂ дурагайлар
4,5 ойликда			
Сўйим олди тирик вазни, кг	18,23±0,77	21,30±0,79	21,50 ±0,67
Нимта массаси, кг	7,73± 0,42	10,13±0,67*	10,10±0,60*
Ички ёғ массаси,кг	0,31±0,04	0,41±0,02	0,40±0,04
Сўйим массаси, кг	8,04±0,46	10,54±0,65*	10,50±0,60*
Сўйим чиқими,%	44,1	49,5	48,8
Нимта чиқими, %	42,4	47,6	47,0
Ички ёғ чиқими,%	1,7	1,9	1,8
6,5 ойликда			
Сўйим олди тирик вазни, кг	24,10±0,36	28,20± 0,25	26,80± 0,23
Нимта массаси, кг	11,18± 0,15	12,41± 0,18	12,83±0,14
Нимта чиқими %	46,39	47,36	47,87
Ички ёғ массаси, кг	0,51 ±0,04	0,76±0,03	0,80±0,05
Ички ёғ чиқими %	2,11	2,90	2,98
Сўйим массаси, кг.	11,69±0,13	13,17±0,18	13,63±0,14
Сўйим чиқими, %	48,50	50,26	50,85

*P<0,001

Сўйим массаси ҳам F₁ дурагай эркак улоқларда маҳаллий зотга мансуб тенгдошлариникидан 2,5 кг ёки 31,0 % га, F₂ дурагайларда эса тегишлича 2,46 кг ёки 30,6 % га, сўйим чиқими эса мос равишда 5,4% ва 4,7% га юқорирок бўлди.

Келиб чиқиши бўйича турли генетик гуруҳларга мансуб бўлган эркак улоқларнинг 2 ойлик назорат бўрдокилашдан сўнг (6,5 ойлик ёшида) сўйилгандаги сўйим кўрсаткичлари (8-жадвал) бўйича сўйишдан олинган гавданинг (нимталар) массаси дурагай улоқларда юқорирок бўлиб, F₁ дурагай улоқларда бу кўрсаткич маҳаллий зотга мансуб тенгдошлариникидан 1,23 кг ёки 11,0% га, F₂ дурагай улоқларда эса тегишлича 1,65 кг ёки 14,7% га юқори бўлган.

Сўйим массаси ҳам дурагай улоқларда юқорирок бўлиб, F_1 дурагай улоқларда бу кўрсаткич 1,48 кг ёки 12,6% га, F_2 дурагай улоқларда эса 1,94 кг ёки 16,5% га юқори бўлди. Гуруҳлар ўртасида фарқларнинг ишончилилик даражаси юқори ($P < 0,05$). Сўйим чиқимининг ҳам F_1 дурагай улоқларда маҳаллий зотга мансуб тенгдошларига нисбатан 1,76%, F_2 дурагай улоқларда эса 2,35% га устун кўрсаткичларга эга бўлди.

Олинган маълумотлар маҳаллий зотга мансуб эчкиларни оқ рус такалар билан чатиштириш олинган авлодларнинг гўшт маҳсулдорлигини ошириш имконини беради, деган хулоса чиқариш учун етарлича имкон беради. Таъкидлаш лозимки, сурувни таъмирлашда ортиқча бўлган улоқларни онасидан ажратилган вақтда гўштга сўйиш, шунингдек 2 ой мобайнида бўрдоқилаб гўштга сўйиш ҳам таркибида ёғ миқдори кам бўлган пархез улоқ гўшти олиш имконини беради, бунда улар оналарининг серсут бўлиши ҳал қилувчи аҳамият касб этади.

Турли генотипга мансуб эчкиларда сут, гўшт ишлаб чиқариш ва сурувни такрор тўлдириш бўйича иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари таҳлил қилинганда дурагай эчкилар сут маҳсулдорлигининг юқори бўлиши ҳисобига улоқларни эмизишдан ортиқча бўлган сутни соғиб олиб, уни реализация қилишдан келадиган даромадлардан барча харажатлар чегириб ташланганда ҳар бир дурагай эчки ҳисобига F_1 гуруҳида 48640 сўм, F_2 гуруҳида эса 86220 сўм миқдорида соф фойда олиш имконияти туғилган.

Дурагай эчкилар серпунтлигининг юқори бўлиши ҳисобига F_1 дурагайларда маҳаллий эчкиларга нисбатан 12000 сўмга, F_2 дурагай эчкиларда эса 15000 сўмга кўпроқ соф фойда олинган.

Назорат бўрдоқилаш даврида турли генотипдаги улоқларни бўрдоқилашга сарфланган озиқалар миқдорининг бир хил бўлмаганлиги ҳисобига жами харажатлар миқдори ўртасида фарқлар мавжуд бўлган. Дурагай улоқлар тирик вазнининг жадал ўсиши туфайли олинган гўштни реализация қилишдан келадиган даромад ва соф фойда назорат гуруҳига нисбатан тажриба гуруҳларида юқорирок бўлган, яъни F_1 дурагай улоқларни ўстириш ва бўрдоқилашдан олинган соф фойда маҳаллий зотли тенгдошларига нисбатан 22,90 минг сўмга, F_2 дурагайларда эса тегишлича 29,80 минг сўмга кўп бўлган.

Юқоридаги манбалар бўйича ҳаммасини қўшиб ҳисоблаганда бир бош F_1 дурагай эчки ҳисобига маҳаллий эчкиларга нисбатан 83 540 сўм, F_2 дурагай эчки ҳисобига эса 131 020 сўм кўпроқ соф фойда олинган. Ишлаб чиқаришнинг самарадорлик даражаси F_1 дурагай эчкиларда маҳаллий зотга мансуб тенгдошларига нисбатан 5,9 % га, F_2 дурагай эчкиларда эса 8,7 % га юқорирок бўлган.

Хулоса қилиб айтганда, маҳаллий зотга мансуб эчкиларни оқ рус зотли такалар билан чатиштиришдан олинган дурагай эчкилардан сут соғиб олиш ва уни реализация қилишни йўлга қўйиш эчкичилик соҳасининг иқтисодий самарадорлигини кўтариш имконини беради. Бундан ташқари, аҳолининг пархезбоп гўшт ва ўта фойдали, шифобахш бўлган эчки сутига бўлган

талабини қондириш, шунингдек қўшимча иш ўринлари яратиш орқали қишлоқ аҳолисининг бандлигини таъминлашга муносиб ҳисса қўшади.

ХУЛОСАЛАР

1. Маҳаллий эчкиларни оқ рус зотли такалар билан чатиштириш олинган авлодларда серпуштлик кўрсаткичларнинг яхшиланиб боришига олиб келади. Эчкиларнинг серпуштлиги маҳаллий зотга мансуб эчкиларда ҳар 100 бош ҳисобига 115,0 бошни ташкил қилиб, маҳаллий эчкиларни оқ рус такалари билан чатиштиришдан олинган биринчи бўғин дурагай эчкиларда бу кўрсаткич маҳаллий эчкиларга нисбатан ҳар 100 бош ҳисобига 20 бошга ёки 17,4% га, иккинчи бўғин (F_2) дурагай эчкиларда эса мос равишда 35 бош ёки 30,4% га юқори бўлиши аниқланди.

2. Туғилгандаги тирик вазн кўрсаткичи дурагай улоқларда каттароқ бўлиб, эркак улоқларнинг туғилгандаги тирик вазни I авлод дурагай (F_1) улоқларда маҳаллий зотга мансуб улоқларга нисбатан 0,37 кг ёки 15,7 % га, II авлод дурагайларда (F_2) эса 0,45кг ёки 19,1 % га, урғочи улоқларнинг туғилгандаги тирик вазни эса мос равишда 0,31 кг ёки 14,09% га ва 0,46 кг ёки 20,9% устун кўрсаткичга эга бўлди.

3. Эркак улоқларнинг 4 ойликдаги тирик вазни маҳаллий зотга мансуб улоқларга нисбатан I бўғин дурагайларда 2,80 кг ёки 12,6 % га, II бўғин дурагайларда эса 3,00 кг ёки 16,8% га юқори урғочи улоқларда эса мос равишда 2,71 кг ёки 16,74% га ва 4,02 кг ёки 24,5% га юқори; 18 ойлигида тегишлича 10,35 кг ёки 30,4 % га; 10,95 кг ёки 32,1 % га; 7,07 кг ёки 27,3 % га ва 9,77 кг ёки 30,2 % га юқори бўлди.

4. Вояга етган такалар ва она эчкиларнинг барча тана ўлчамлари маҳаллий зотга мансуб ҳайвонларга нисбатан дурагайларда юқорироқ бўлган. Яғрин баландлиги F_1 дурагай такаларда маҳаллий зотга мансуб тенгқурларининг шу кўрсаткичидан 5,95 см ёки 9,2% га, F_2 дурагайларда эса 7,72 см ёки 11,9% га, думғаза баландлиги мос равишда 6,91 см ёки 8,9% ва 7,81 см ёки 11,8% га; гавданинг қия узунлиги 9,33 см ёки 12,3% га ва 10,24 см ёки 13,5% га; кўкрак чуқурлиги 6,72 см ёки 21,7% ва 8,36 см ёки 27,0% га; кўкрак айланаси 11,98 см ёки 12,6% ва 12,38 см ёки 14,2% га; кафт айланаси 2,16 см ёки 24,6% ва 2,58 см ёки 29,4% га каттароқ бўлиши қайд этилди.

5. Маҳаллий зот эчкиларни оқ рус зотли такалар билан чатиштиришдан олинган дурагай эчкиларнинг улоқлари маҳаллий зотли тенгдошларига нисбатан жадалроқ ўсган. Бу оналарининг серсутлиги билан боғлиқдир. Биринчи авлод дурагай эчкиларнинг шартли сутдорлиги маҳаллий зотга мансуб эчкиларга нисбатан 3,75 кг ёки 35,5 % га, II авлод дурагай эчкиларда эса (F_2) мос равишда 4,85 кг ёки 45,7 % га юқори бўлди.

6. Лактациядаги соғим миқдори маҳаллий зотга мансуб эчкиларни оқ рус зотли такалар билан чатиштиришдан олинган дурагай эчкиларда маҳаллий зот эчкиларга нисбатан юқорироқ бўлиб, соғим миқдори бўйича F_1 дурагай эчкиларда маҳаллий зот эчкиларга нисбатан 36,07 кг ёки 34,1%, F_2 дурагай эчкиларда эса 70,47 кг ёки 66,6% устунлик кузатилди.

7. Сутнинг таркибидаги қуруқ модда миқдори маҳаллий зот эчкиларда F_1 дурагай эчкилар сутига нисбатан 0,35% га, F_2 дурагай эчкилар сутига нисбатан эса 0,68% га юқорироқ, сутнинг ёғлилиги мос равишда 0,22% ва 0,34% га, сутнинг таркибидаги оқсил миқдори 0,12 ва 0,28% га, лактоза 0,07 ва 0,09% га ёғсиз сут қолдиғи 0,09 ва 0,33% га юқори бўлди. Лекин соғим миқдорининг нисбатан юқорилиги ҳисобига дурагай эчкиларда лактациядаврида олинган сут ёғининг чиқими маҳаллий эчкиларга нисбатан юқорироқ бўлди. Сут ёғининг чиқими F_1 дурагайларда маҳаллий эчкиларга нисбатан 1,25 кг ёки 27,1% га, F_2 дурагайларда эса мос равишда 2,46 кг ёки 53,4%, лактация давридаги сут оқсилнинг чиқими мутаносиб равишда 1,07 кг ёки 29,4% ва 1,93 кг ёки 53,1% устунлик қайд этилди.

8. Улоқларни бўрдоқилаш даврида тирик вазннинг ўсиш кўрсаткичлари дурагай улоқларда юқорироқ бўлди. Бўрдоқиланган 6,5 ойлик ёшдаги F_1 дурагай улоқлар тирик вазнининг мутлақ ўсиши маҳаллий зотга мансуб тенгдошларининг шу кўрсаткичидан 1,2 кг ёки 22,6% га, F_2 дурагай улоқларда эса бу кўрсаткич мос равишда 1,4 кг ёки 26,4% га юқори бўлган. Шунингдек тирик вазннинг ўртача кунлик ўсиши ҳам дурагай улоқларда юқори бўлиб, маҳаллий зотга мансуб тенгдошларига нисбатан F_1 дурагай улоқлар кунига ўртача 20,0 граммга; F_2 дурагай улоқлар эса тегишлича 23,3 грамм кўпроқ тирик вазн ўсишига эришган.

9. Бўрдоқиланган 6,5 ойлик ёшдаги улоқлар нимталирининг вазни бўйича устунлик дурагай улоқлар томонида бўлган, яъни F_2 дурагай улоқлар нимтасининг вазни маҳаллий зотли тенгдошларининг шу кўрсаткичларидан 1,23 кг ёки 11,0 га; F_2 дурагай улоқларда эса тегишлича 1,65 кг ва 14,7% га юқори бўлган. Гўштдорлик коэффициенти дурагай улоқларда юқори бўлиб, F_1 дурагай улоқларда маҳаллий зотга мансуб тенгқурларига нисбатан 0,11 бирлик ёки 3,4% га, F_2 дурагай улоқларда эса 0,2 бирлик ёки 6,1% га каттароқ бўлган.

10. Қоннинг гематологик кўрсаткичлари барча тажриба гуруҳларида физиологик меъёр даражасида бўлди. Улоқларнинг 1мл қони таркибидаги эритроцитлар сони 16,2–17,9 млн донани, тромбоцитлар 3,09–3,36 минг донани ташкил қилди. Лейкоцитлар миқдори меъёрнинг энг юқори чегараси даражасида бўлиб, 1 мл да 11,50–12,92 минг донани ташкил қилди. Қондаги гемоглобин миқдори бўйича турли генотипдаги улоқлар ўртасида фарқлар борлиги аниқланди. Унинг миқдори F_1 дурагай улоқларда 4,51г/л ёки 4,0 % га маҳаллий зотга мансуб тенгдошларига нисбатан юқори бўлиб, бу кўрсаткичлар ҳам физиологик меъёр чегарасида бўлди.

11. Соматотропин гени бўйича гомозигот бўлган АА ва ВВ генотипидаги эчкиларнинг сут соғими миқдори ушбу ген бўйича гетерозигот бўлган АВ генотипдаги эчкиларга нисбатан мос равишда 9,79 кг ёки 52,8% га ва 8,17 кг ёки 44,1% га юқорироқ бўлган. Соматотропин гени бўйича гетерозигот бўлган АВ генотипдаги эчкиларда АА генотипдаги эчкиларга нисбатан сутнинг ёғлилиги 0,27% га, оқсил 0,56%; ВВ генотипдаги гомозигот эчкиларга нисбатан эса мос равишда 0,22 % ва 0,54 % га юқорироқ бўлган.

12. Иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари дурагай эчкиларда юқорироқ бўлиб, бир бош F_1 дурагай эчки ҳисобига маҳаллий эчкиларга нисбатан 83 540 сўмга, F_2 дурагай эчки ҳисобига эса 131 020 сўм кўпроқ соф фойда олинган. Ишлаб чиқаришнинг самарадорлик даражаси F_1 дурагай эчкиларда маҳаллий зотга мансуб тенгдошларига нисбатан 5,9% га, F_2 дурагай эчкиларда эса 8,7% га юқорироқ бўлган.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ PhD 05/30.12.2019. QX.75.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ НАУЧНО-ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКОМ
ИНСТИТУТЕ КАРАКУЛЕВОДСТВА И ЭКОЛОГИИ ПУСТЫНЬ**

**НАУЧНО-ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКИЙ ИНСТИТУТ
КАРАКУЛЕВОДСТВА И ЭКОЛОГИИ ПУСТЫНЬ**

ХУСЕИНОВА МАЙСАРА АБДУВАФОЕВНА

**ПРОДУКТИВНЫЕ И БИОЛОГИЧЕСКИЕ ОСОБЕННОСТИ
ПОТОМСТВА, ПОЛУЧЕННОГО ОТ СКРЕЩИВАНИЯ РУССКОЙ
БЕЛОЙ И МЕСТНОЙ ПОРОД КОЗ**

**06.02.01-Разведение, селекция, генетика и воспроизводство
сельскохозяйственных животных**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ
доктора философии (PhD) по сельскохозяйственным наукам**

Самарканд - 2021

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при кабинете Министров Республики Узбекистан за номером B2020.3.PhD/Qx315

Диссертация доктора философии (PhD) выполнена в Научно-исследовательском институте каракулеводства и экологии пустынь.

Автореферат доктора философии (PhD на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице по адресу www.uzkarakul.uz и информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziynet.uz).

Научный руководитель:

Аринов Уктам Хаджимуратович
доктор сельскохозяйственных наук, профессор

Официальные оппоненты:

Рузибоев Нураддин Рахимович
доктор сельскохозяйственных наук

Эшматов Иззатилло Янгибоевич
кандидат сельскохозяйственных наук

Ведущая организация:

Ташкентский государственный аграрный университет

Защита диссертации состоится «12» 07 2021 года в 14⁰⁰ часов на заседании Научного совета PhD 05/30.12.2019 Qx.75.01 по присуждению ученой степени доктора философии при научно-исследовательском институте каракулеводства и экологии пустынь (Адрес: 140154, Самарканд, ул. М.Улугбека 47. Научно-исследовательский институт каракулеводства и экологии пустынь, тел: (99866)233-32-79, факс (998660 2333481; e-mail: uzqarakul30@mail.ru)

С диссертацией можно ознакомиться в информационно-ресурсном центре научно-исследовательского института каракулеводства и экологии пустынь (зарегистрировано под номером №192). Адрес: 140154, Самарканд, ул. М.Улугбека, 47. Административное здание института, 1-этаж, тел: (99866) 2333279; факс: (99866) 2333481

Автореферат диссертации разослан «26» 06 2021 года
(реестр протокола рассылки № 4 «26» 06 2021 года)



Н.А.Бобокулов
Председатель научного совета по присуждению
ученой степени, д.с-х.н., профессор

З.С.Кличев
Учёный секретарь научного совета по присуждению
учёной степени, д.ф.с-х.н. (PhD)

С.Ю.Юсупов
Председатель научного семинара при научном
совете по присуждению учёной степени,
д.с-х.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора (PhD) философии)

Актуальность и востребованность темы диссертации. На сегодняшний день козоводство считается динамически развивающейся и перспективной отраслью животноводства. По данным Продовольственной и сельскохозяйственной организации (ФАО) при ООН козы разводятся в более, чем 200 странах мира, численность которых превышает 1.174.322 тыс. голов. Объем производства козьего молока в мире составляет 18,7 млн. тонн. От всего объема производимого козьего молока 75% приходится на долю стран Азии и Африки. Что является очень низким показателем обеспечения населения целебным козьим молоком. В целях повышения производства козьего молока считается актуальной разработка эффективных методов организации кормления и содержания правильное использование помесных коз.

В странах СНГ козоводство также считается древнейшей отраслью животноводства. Самое большое количество коз разводится в Казахстане (23268 тыс. гол.), Узбекистане (3861 тыс. гол.), Туркмении (2300 тыс. гол.) и в России (2091 тыс. гол.). В этих странах разводятся высокомолочные породы, как зааненская, белая русская, горьковская, нубийские, тоггенбургские породы с высоким содержанием жира в молоке, породы шерстного направления как ангорская, советская шерстная, белая дагестанская, пуховые породы: придонская, горно-алтайская, кашемировая, оренбургская, породы мясного направления, как черная бенгальская, шаньси, дамара, замбийская, бурская, пафури и другие. В исследованиях, направленных на повышение жизнеспособности, молочной и мясной продуктивности остается важным использование породистых коз и их помесей.

